ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 2 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00235

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ АХЛОҚИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ АСОСЛАРИ

Азиза Махаматджоновна Маматова
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти магистранти

АННОТАЦИЯ

Мазкур бошланғич синф ўқувчилари ахлоқини шакллантириш асослари таҳлил қилинган ва методик тавсиялар тақдим этилган.

Калит сўзлар: таълим, синф, ўқувчи, ахлоқ, билим, асос, тарбия, кўникма, метод.

FUNDAMENTALS OF FORMATION OF PRIMARY SCHOOLCHILDREN MORALS

Aziza Makhamatdjonovna Mamatova
Master student of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ABSTRACT

The basics of shaping the morality of these primary school students are analyzed and methodological recommendations are provided.

Keywords: education, class, student, ethics, knowledge, foundation, upbringing, skill, method.

КИРИШ

Ўзбекистонда таълим асосида Учинчи Ренессансни барпо этишга киришилди [1]. Бу жараёнда *бошланғич синф* ўқувчиларини ҳар томонлама етук вояга етказиш асаосий вазифалардан биридир. Мазкур масалада ўқувчиларнинг *ахлоқини* давлат таълим стандартларига мувофиқ шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки давлат таълим стандартларига бошланғич синф ўқувчилари ахлоқини шакллантиришнинг зарурияти, талаблари ва асослари белгилаб қўйилган. Айнан мана шу хужжат асосида бошланғич синф ўқувчиларининг ахлоқини шакллантириш мухим аҳамиятга эга.

Бошланғич синф ўқувчиларининг ахлоқини шакллантириш *зарурияти* қуйидагилар билан боғланади:

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00235

- 7-11 ёшли шахслар жисмоний, ақлик ва эстетик шаклланиш жараёнида бўлади;
- бу ёшдаги ўқувчиларнинг онги ва қалби ҳар қандай ғоя ва таъсирни қабул қилиш хусусиятига эга бўлади;
- мазкур ёшдаги ўқувчилар ахлоқини шакллантириш давлат талаби ҳисобланади;
- бошланғич синф ўқувчилари шахс сифатида шакллантиришга йўналтирилади.

МЕТОДОЛОГИЯ

Мазкур зарурий омиллар бошланғич синф ўқувчиларининг ахлоқини шакллантиришда давлат таълим стандартларига мувофиқ уларнинг ёш, жисмоний , ақлий ва эстетик имкониятларини хисобга олишни тақозо этади.

Бошланғич синф ўқувчилари ахлоқини қуйидаги *салбий* таъсирлардан муҳофаза қилиш долзарб ҳисобланади:

- баъзи оилалардаги мураккаб муҳит таъсиридан;
- мобил алоқа воситаларининг технологик таъсиридан;
- жамоатчиликнинг нонаъмунавий одатларидан;
- ўқувчи шахсида юзага келадиган худбин иллатлардан.

Бу салбий таъсир омиллари бошланғич синф ўқувчилари ахлоқини чалғитувчи хусусиятларга эгадир. Чунки улар ўқувчиларга мухит, гуруҳ ва жамоатчилик фаолияти асосида таъсир этади. Бунинг учун салбий таъсир омилларини юмшатишда ва ахлоқий шаклланишни тўғри йўналтиришда турли таъсир омилларини юмшатиш йўлидан бориш муҳим амалий аҳамиятга эга.

Бошланғич синф ўқувчилари ахлоқини шакллантиришнинг *методологик* асослари қуйидагилардан иборат:

– бошланғич таълим бўйича давлат таълим стандартлари;

Ўзбекистон Республикаси”Таълим тўғрисида”ги ва “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги қонунлари;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг таълимга оид Қарорлари, Фармонлари ва Фармойишлари; педагогик талаблар.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Мазкур методологик асослар бошланғич синф ўқув фанлари мазмуни ва тарбиявий ишлар моҳиятини сингдирилган. Дарсликларнинг мазмунида ўқувчиларнинг ахлоқи асослари тавсифланган ва тарбиявий ишлар моҳиятида

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00235

эса ахлоқни шакллантириш йўналишлари белгиланган. Шу сабабли таълим ва тарбия жараёнида ўқувчилар ахлоқини кутилган даражада шакллантиришнинг назарий ҳамда амалий мазмуни акс этишини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Бошланғич синф ўқувчилари ахлоқини шакллантириш *объекти* қуйидагилардир:

- ўқувчилар онгида эзгу ғояларни шакллантириш;
- ўқувчилар хулқ атворида яхши фазилатлар ва муносабат сифатларини таркиб топтириш;
- ўқувчиларнинг ижтимоий характерини юзага келтириш.
- Педагогик олимлар айнан онг, хулқ-атвор ва характерни тўғри шакллантириш ўқувчилар ахлоқини кутилган даражада ривожлантириш имконини беришини таъкидлашади[5]. Эътибор беринг:



ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00235

Демак, бошланғич синф ўқувчилар ахлоқини шакллантиришда уларнинг ахлоқ тўғрисидаги тушунчалари, уларда таркиб топтириладиган фазилатлар ва ўқувчиларнинг характери мухим ҳисобланади. Ҳозирги кунда айнан онг, фазилат ва характер масалалари ахлоқнинг негизи сифатида қабул қилинаётганлигини эслатиб ўтиш жоиз.

Ҳозирги замон Ўзбекистон “Бошланғич таълим педагогикаси”да бошланғич синф ўқувчилари ахлоқини шакллантиришга доир бир қатор *ижтимоий талаблар* қўйилган. Бу талабларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

- бола ҳуқуқларига риоя қилиш;
- болани камситмаслик;
- болага инсонпарвар ва джемократик муносабатда бўлиш;
- боланинг қобилияти ва истеъдодини ривожлантириш [2];
- болада янги ташаббус ва ғояларни шакллантириш;
- боланинг маънавий салоҳиятини таркиб топтириш;
- болани келгуси таълим ва ҳаётга тайёрлаш [3];
- болада Ватанга садоқат, иродалилик, меҳр-оқибутлик, бағрикенглик, меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантириш [4].

Бу талаблар бошланғич синф ўқувчилари ахлоқини шакллантириш ишининг мазмунини ташкил қилади.

Бошланғич синф ўқувчиларининг ахлоқини шакллантириш *механизмлари* қуйидалардир:

- ўқув фанларини ўқитиш жараёни;
- тарбиявий тадбирлар;
- махсус тарбиявий ишлар;
- мактаб муҳити.

ХУЛОСА

Бу механизмлар асосида бошланғич синф ўқувчиларининг ахлоқини амалий шакллантиришга эришилади. Эътибор берилса, бу ўринда бошланғич синф ўқувчиларининг ахлоқини шакллантиришда оила механизми кўрсатилмайди. Чунки, оила механизми ҳозирги замон бошланғич таълим педагогикасида ёрдамчи механизмлардан бири хисобланади ва шу сабабли бошланғич синф ўқувчиларининг ахлоқини шакллантиришда оила кўмакчи вазифасини бажаради.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00235

Шундай қилиб, ҳозирги замон бошланғич синф ўқувчилари аҳлоқини шакллантириш асослари ўзига хос хусусиятларга эгалиги ва янгича ёндашувларга бойлиги билан муҳим амалий аҳамиятга эга.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан сўзлаган нутқи.// “Халқ сўзи” газетаси 2020 йил 7 октябрь сони.
2. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. // www. Ziyonet.2020йил 24 сентябрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.// “Ҳалқ сўзи” газетаси 2020 йил 7 ноябрь сони.
4. Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси. // www. Ziyonet.2020йил 5 январь.
5. Бордовская Н.В., Реан А.А. Педагогика. – Спб.: “Питер”. 2001.
6. Jabborova Onahon Mannapovna, Jumanova Fotima Uralovna, Mahkamova Shohida Rahmatullayevna. (2020). Formation of artistic perception of future teachers. International journal of pssycological and rehabilitation, 24(4), 4087-4095.
7. Jabborova Onahon Mannapovna. (2019). Psycholocial and pedagogical foundations of the formation of the artistic perception of students in secondary schools. European journal of research and reflection in educational sciences, 7(10), 9-14.
8. Jabborova Onahon Mannapovna, Ismoilova Dilafruz Muhiddinovna. (2020, may). Optimation of primary education. ACADEMICIA: An international multidisciplinary research journal, 10(5), 1229-1232.
9. Мардонов Ш.К., Жаббарова О.М. Задачи уроков изобразительного исскуства в начальной школе. Academic research in educational sciences, Issue 3, 2020, pp 862-870.
10. Tojiboeva Gulmira Rifovna, Pulatova Dildora Turgunovna. Pedagogik kompetentlik: nazariya va amaliyot. Academic research in educational sciences, Issue 3, 2020, pp 209-215.
11. Мусурмонов Рахматулла, Мусурманова Малуда. Ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда инновациялар. Academic research in educational sciences, Issue 3, 2020, pp 777-783.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00235

12. Karimjonov Alijan, Jabborova Onakhon Mannapovna. Improvement of claster training system. Academicia An international multidisciplinary research journal, Kurukshetra (India), 2020, Issue 10, pp. 584-589.
13. Jabborova Onaxon Mannapovna, Umarova Zuhra Abduraxmanovna. Pedagogical conflicts in primary school students - as an important social-pedagogical problem. Solid State Technology, Great Britain, 2020, Issue 6, pp.235-241.
14. Мардонов Шукурулло Қўлдошевич, Хужамқулов Умид Негматович, Ботирова Шахло исомиддиновна, Шерматова Умида Сафаевна. The end to educate young people with the spirit of patriotism in the context of globalization. Journal of Critical Reviews, Malaysia, 2020, Vol.7, Issue 12, pp 166-169.
15. Abdullayeva B.P., Abdullayev F. Organization Of Swimming Lessons In Preschool Institutions. The american journal of social science and education innovations. July 2020 pp.322-330. Volume 02, Issue07-42
16. Ruzibaeva, N. R. (2021). COGNITIVE LINGUISTICS: BASIC CONCEPTS. Academic Research in Educational Sciences, 2(1), 438-446.
17. Shonazarovna, M. V. (2019). SOME WAYS OF LEARNING FOREIGN LANGUAGE AT AN EARLY AGE. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 7(10).
18. Mamadayupova, V. S. (2015). Application of information technologies in the course of training in the foreign language. European Journal of Education and Applied Psychology, (1), 6-8
19. Raufov, M. M. (2021). ELEMENTARY TRANSFORMATIONS IN SIMULTANEOUS TRANSLATION. Academic Research in Educational Sciences, 2(1), 484-490
20. Baxriddinova Muyassarxon Rahimovna (2020). THE LEXICOGRAPHICAL ASPECTS OF LEGAL TERMS IN GERMAN AND UZBEK LANGUAGES. Oriental Art and Culture, (V), 143-146.). T
21. Baxriddinova, M. R. (2016, September). Эффективные методы предотвращения конфликтов в Высших учебных заведениях. In XIV Международная научно-практическая конференция (второй этап)«Образование через всю жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития»НЕ LE
22. Бахриддинова, М. Р. (2021). О ПРОЦЕССЕ ТЕМАТИЧЕСКОГО ОБЪЕДИНЕНИЯ ЮРИДИЧЕСКИХ ТЕРМИНОВ. Academic research in educational sciences, 2(1).